

*Жон ва ақлни яратгувчи зот номи ила бошлайман*

## **ПУРЁЙИ ВАЛИЙ ТАНИҚЛИ КУРАШЧИ, ОРИФ ШОИР ВА ХАЛҚПАРВАР ЗОТ**

Хоразм заминида дунёга келиб, бутун Шарқда довруқ таратган Пурёйи Валий ёки Пурёр номлари билан шуҳрат қозонган Маҳмуд Хоразмий таниқли курашчи, орифмаслак шоир ва халқпарвар бир зот бўлиб, спортнинг яққакураш турлари, жумладан паҳлавонлик деб аталадиган кураш турида катта тажрибага эга бўлган, оддий яшаш, ожизлар ва мазлумларни ҳимоя қилиш, ўткинчи дунёнинг дабдабалари ва ҳою ҳавасларига эътибор бермасликда юксак даражаларга етган инсон эди.

***Соҳибназарий нишони волоғуҳар аст,  
Беманзарий далили кўтоҳназарийст.***

*Мазмуни:* Кишининг донишмандлиги унинг асл-насаби улуғлигини, кишининг обрў ва эътиборга эга эмаслиги эса унинг ақлсизлигини кўрсатади.

Пурёйи Валий адабиёт ва шеърини ижодда ўзидан «Пурё девони» ҳамда «Рубойлар ва маснавийлар тўплами»ни қолдирган. Унинг шеърлари содда бўлиб, классик адабиётда кенг тарқалган мураккабликлардан узоқ, аммо ирфоний, ижтимоий ва дидактик мазмунга эгадир.

***Бишнава сухани Маҳмуди Пурёйи Валий:  
«Аз одами нодуруст мардий наталаб».***

*Мазмуни:* Маҳмуд Пурёйи Валийнинг сўзини эшитгин: «Ёлғончи одамдан мардлик излама».

***Бақуллий аз ҳама бадҳо хазар кун,  
Чу биний бад чу бод аз вай гузар кун.***

*Мазмуни:* Ўзингни барча ёмонлардан узоқ тутгин, бирорта ёмонни кўриб қолсанг унинг ёнидан шамол каби ўтиб кетгин.

Пурёйи Валий бугунги кунда қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган рубойларида одамларни ҳалоллик-поклик, адолат, инсоф-диёнат, садоқат, хушчақчақлик, илм

ўрганиш ва мағрурликка чорлайди, баъзида ўз давридаги вазият ҳамда риёкор, нодон ва хурофотпараст кишиларни маломат тиғи остига олади.

***Сад сол асири банди зиндон будан  
Беҳ аз онки даме ҳамдами нодон будан.***

*Мазмуни:* Юз йил зиндонда асир ўтирмақ нодон билан бир дам ўтирмақдан яхшироқ.

Айрим тадқиқотчилар Паҳлавон Маҳмуд рубоийларини Хаём Нишопурий анъаналарини давом эттирувчи ва унинг шеърлари фалсафий мазмунидан таъсир олган, деб ҳисоблашган.

***Хайёмсифат ба хамр мастам мудом,  
Ба дўзах агар равем мастона равем.***

*Мазмуни:* Хайём каби доимо хамр билан мастдирман, дўзахга кирсак ҳам маст бўлиб кирамиз.

Пурёйи Валий шунингдек, форс тилида «Канз ул-хақойик» («Ҳақиқатлар хазинаси») номли шеърӣ асар ёзган. Ушбу китоб бизнинг давримизжа Техронда нашр қилиниб, ихлосмандлар эътиборига ҳавола этилган. Ушбу китоб беш қисм ва 123 байтдан иборат бўлган дostonни ўз ичига олган бўлиб, унда ислом, имон, поклик, нафс, шайтонлар ва ички васвасалар билан кураш, закот, рўза, эътиқод ва ахлоқ билан боғлиқ мавзулар ёритилган.

***Бар бастари хок зифтагон мебинам,  
Дар зери замин нухуфтагон мебинам.  
Ҳарчанд ба сахройи адам минигарам  
Ноомадагон ва рафтагон мебинам.***

*Мазмуни:* Тупроқ тўшагида ётганларни кўраман, ер остига кириб кетганларни кўраман. Йўқлик сахросига қанчалик тикилиб қарасам, [бу дунёга] келмаганларни ва [бу дунёдан] кетганларни кўраман.

Пурёйи Валий ўзлигининг муҳим қисми паҳлавонлик ва чаққонлик даражасига эришиш бўлиб, унинг илдизларини одамларга муҳаббат, яхшилик ва ёрдам кўрсатиш, камтарлик, хокисорлик ва фидокорлик хислатларидан излаш лозим.

***Эй хожа, дар ин жаҳон чаро беҳабарӣ,  
Рўзон ва шабон дар талаби сийм-у зарӣ.***

***Сармойи ту аз ин жаҳон як кафан аст,  
Он ҳам гумон аст барий ё набарий.***

*Мазмуни:* Эй хожа, нега бу дунёда [кўп нарсадан] беҳабар ҳолда кеча-кундуз олтин ва кумуш йиғиш қайғусида чопасан? Бу дунёдан [у дунёга] олиб кетадиган нарсанг биргина кафан бўлса, ҳали униям олиб кетасанми ёки йўқми, маълум эмас.

Тадқиқотчилар паҳлавонлар ва курашчиларнинг муҳим хусусиятларини санаб ўтигшади. Унсур ал-маолий қаламига мансуб «Қобуснома» асарида шундай келтирилган: «Жавонмардлик куйидаги уч асос устига бино бўлган: *биринчиси* – айтганни қилиш; *иккинчиси* – ҳақиқатга хилоф нарсани айтмаслик; *учинчиси* – чидамли бўлиш. Чунки жавонмардликка тегишли бўлган ҳар қандай хусусият ушбу уч нарсага боғлиқдир».

Кўпчилик тадқиқотларда донишмандлик, имон, худога таваккул, сир сақлаш, тўғрисўзлик, жасурлик, эпчиллик, камтарлик, ожизларга ёрдам бериш, одамлар ва худонинг бошқа барча яратганларига муҳаббат, шеърят ва адабиётга қилиқиш, ҳозиржавоблик, кўзда тутилган нарса ва маънони чиройли баён қилиб бериш, гуноҳлардан сақланиш, покдомонлик, фидокорлик, шикастанафслик ва ўз қасамига содиқ қолиш каби хисатлар паҳлавонларга хос хусусиятлар сифатида эслатилади.

Эзгу хислатлар билан зийнатланганлик ҳамда худонинг бандаларига хизмат қилиш кишига одамлар томонидан бўлган қизиқиш, эътибор ва муҳаббатнинг ошишига, жумладан шундай кишилардан бирига бир неча қабрнинг мансуб топилишига сабаб бўлади. Пурёи Валийнинг Хива шаҳридан ташқари Эроннинг Хўй ва Фўман шаҳарларида ҳам мақбаралари мавжуд бўлиб, одамлар томонидан улуғланади. Пурёи Валий хотирасини абадийлаштириш мақсадида Хўй шаҳри майдонида унга ҳайкал ҳам ўрнатилган.

Пурёи Валий эронлик спортчилар наздида олижаноблик ва фидокорлик рамзи сифатида улуғланади. Курашхоналарда оғир мусобақалардан олдин унинг номини тилга олиш урф бўлган. Эронда курашчиларнинг кураш мусобақаси бошланишида кураш майдони ерини ўпишлари (бу Пурёи Валийнинг оёқ изларини ўпишга ишорадир) Пурёи Валий қаламига мансуб шеърлардан ўқиш билан биргаликда амалга ошади.

***Пурёи Валий гуфт, ки сайдам ба каманд аст,  
Аз ҳиммати мавлоям Али бахти баланд аст.  
Уфтодагий омўз агар толиби файзий,  
Ҳаргиз нахўрад об замине, ки баланд аст.***

*Мазмуни:* Пурёйи Валий деди: «Ов қилмоқчи бўлган ўлжам сиртмоқдадир, хожа Алнинг ҳимматидан бахтим чопмиш. Агар файз истасанг ер билан бир бўлишни ўрган, чунки баландда жойлашган ерга ҳеч қачон сув чиқмайди».

Эронда Паҳлавон Маҳмуднинг ҳаёти, қиссалари ва панд-насиҳатлари тўғрисида ўсмирлар ва ёшлар учун ёзилган кўплаб бадиий асарлар нашр қилинган. Бундан ташқари Пурёйи Валий ва унинг шогирдлари ҳаёти асосида эронлик болалар ва ўсмирларга мўлжалланган тарбиявий аҳамиятга эга бўлган «Паҳлавон» номли телевизион кўрсатувлар тўплами яратилган бўлиб, бир неча бор телеканаллардан эфирга узатилган.

Эроннинг Тошкентдаги элчихонаси ҳам Паҳлавон Маҳмуднинг айрим асарларини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, ихлосмандлар эътиборига ҳавола этган.

Паҳлавон Маҳмуднинг халқпарварлик, ожизларга ёрдам ва камтарлик каби хислатлари барча учун ўрнак ва ибратдир. Албатта ушбу қисқагина материалда мазкур буюк шахсга хос хислатларнинг ҳаммаси тўғрисида батафсил сўз юритишнинг имкони йўқ. Шубҳасиз, Пурёйи Валий ирфоний тафаккурининг шоҳбайти одамларга меҳр-муҳаббат кўрсатиш ва худонинг бандаларига хизмат қилишдан иборатдир. У ўзи рубоийларидан бирида бу тўғрида чиройли бир оҳангда шундай дейди:

***То тавоний ба жаҳон хидмати муҳтожон кун  
Ба даме бо дираме ё қадаме ё қаламе.***

*Мазмуни:* Бу дунёда қўлингдан келгунича муҳтожларга хизмат қилгин, бир дамгина бўлса-да, пул билан ё қўл билан ё қалам билан.

**Ҳамид Наййирободий**

**Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси**

Милодий 2021 йилнинг ... феввали

Ҳижрий-шамсий 1399 йилнинг ... баҳмани